

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТИЛШУНОСЛИҚ ИНСТИТУТИ

136.

02.02

AC 87

Қўлёзма ҳуқуқида

ЖУМАЕВ Акрам Гаффорович

УДК 809.437.5—3(091)

# XV АСР ЎЗБЕК НОМАЛАРИ ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

10.02.02 — Миллий тиллар (ўзбек тили)

Филология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Иш Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тилшунослик институтининг ўзбек тили тарихи бўлимида бажарилган.

Илмий раҳбар — филология фанлари доктори, профессор  
Ш. ШУҚУРОВ.

Расмий оппонентлар — филология фанлари доктори,  
профессор Ҳ. О. ДАДАБОЕВ,

филология фанлари номзоди, доцент  
З. ҲАМИДОВ.

Етакчи муассаса — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти эски ўзбек тили ва ёзуви кафедраси.

Ҳимоя ЎзР ФА Тилшунослик институти қошидаги Д 015.31.21 рақамли докторлик илмий даражасини бериш учун ихтисослаштирилган кенгашнинг 1994 йил «. ғ.» декабрь соат . 14 . да бўладиган мажлисида ўtkазилади. Манзил: Тошкент, 700170, И. Мўминов кўчаси, 9.

Диссертация билан ЎзР ФА Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: Тошкент, 700170, И. Мўминов кўчаси, 13.

Автореферат 1994 йил «. ғ.» . . нозуб . да жўнатилди.

Ихтисослаштирилган кенгаш илмий котиби,  
филология фанлари доктори

Э. А. УМАРОВ

## ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИЯ

Мавзунинг додзарбодиги. Эски ӯзбек тилида яратилган ёзув ёлғорликларнинг тил хусусиятларини ўрганиш ӯзбек тилшунослигининг энг муҳим масалаларидан биридир. Ҷабек тилига давлат мекоми берилгандан сўнг қадимги ёзма обидаларга бўлган қизиқиш ҳам бирмунча кучайди, эски ӯзбек тилида яратилган асарлар тили, хусусан, лексикасини ўрганишга айрича әътибор берила бўшлади. Ўтган даврлар мобайнида ҳам тарихий лексикология бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган бўлса-да, тарихий манбалар тилини қиёсий таҳлил этишга етарлича аҳамият берилгани йўқ. Еу маънода ХУ асрнинг биринчи ярмида яратилган ӯзбек номалари тили лексикасини қиёсий таҳлил этиш ӯзбек тили сўз бойлигининг шаклланиш ва ривожланиш йўлларини очиб беришда ва шу борадаги айrim мунозарали масалаларга ойдинлик кириттида Ўзига хос аҳамиятга әга бўлиши муқаррар.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади ХУ асрнинг биринчи ярмида яратилган ӯзбек номалари лексикасини қиёсий таҳлил қилиш ва ҳар бир номанинг ўзиға хос дугавий хусусиятлари ҳақида тилшунослик ғанининг ҳозирги ютуқларига асосланган ҳолда илмий холосалар чиқариладир. Шу мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқот олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

- "Латофатнома", "Дахнома" ва "Таашшуқнома" асарларининг кўлёзма нусхаларини ўрганиб чиқиш ва уларнинг замонавий нашрларига киритилиши зарур бўлган тузатишларни аниқлаш;
- Номаларда ишлатилган сўзларнинг асл манбаларини аниqlаш;
- Номалар тили лексикасининг ҳозирги ӯзбек тили лексикасидан ғарқланувчи жihatларини тайин этиш;
- Ҳар бир нома лексикасидаги хусусий ҳолатларни белгилаш;
- Номаларда ишлатилган сўзларни шакл ва маъно хусусиятларига кўра ցурухларга ажратиш;
- Номалар тили лексикасининг эски ӯзбек адабий тили бойлигида тутган ўринни аниқлаш.

Тадқиқот методлари (усуллари). Ишнинг асосий мақсади Хўандийнинг "Латофатнома", Ёсуф Амирийнинг "Дахнома" ва Сайди Аҳмаднинг "Таашшуқнома" асари тили лексикасининг қиёсий таҳлили бўлганилиги учун унда асосан қиёсий методдан фойдаланилди.

Номелар тилининг ўзига хос хусусиятларини виявлаштирувуда мөнъи  
дар кадимги туркий тил хамда эски узбек тили ёзувлари оларни  
хам силинг хам солиштирилди. Бу усулномелар тилидаги сўзлар  
ният ҳудданиш даврни белгилашга имкон берди. Шунингдек, жа-  
да тарихий, тавсифий ва статистик методлардан хам сўйлашади.

Тадқиқот манбалари. Тадқиқотимиз манбаини XV асрнинг фи-  
ринчи ярми тобеек тилида битилган "Дахнома" (ДН), "Латоғатно-  
ма" (ЛН) ва "Таашшуқнома" (ТН) асарлари ташкил этади<sup>1</sup>.

ДНнинг хам, ТНнинг хам ҳозирча араб ёзувида кўчирилган  
ягона қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, булар Британия музеидаги  
сақланадиган Add. 7914 рақами мажмua таркибига киритилган,  
ТН асари ушбу қўлёзмасининг фотосурати А.М.Щербакнинг асар  
ҳакидаги тадқиқотига илова қилинган<sup>2</sup>. ДН қўлёзмасининг фото-  
сурати УзР ФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти ха-  
зинасида 6208 рақами билан сақланади. ЛНнинг ҳозир тўртта қўл-  
ёзма нусхаси маъдум бўлиб, булар Кобул, Истанбул ва Лондон  
шахарларида сақланади. Кобул нусхаси уйғур ёзувида, Истанбул  
ва Лондон нусхалари араб ёзувида кўчирилган. Кейинги йиллар-  
да Э.И.Фозилов ЛНнинг тўла матнини ҳозирги ёзуvdаги транскрип-  
ция асосида нашр қилди<sup>3</sup>. Э.И.Фозилов нашри асафнинг Кобул  
нусхасига асосланган бўлиб, Истанбул ва Лондон нусхалари хам  
хисобга олинган<sup>4</sup>.

Бизнинг тадқиқотимизга ДН ва ТНнинг Британия музеидаги  
қўлёзма нусхаси асос қилиб олинди, ДН бўйича эса Э.И.Фозилов  
намридан фойдаландик.

Ишниг назарий ва амалий аҳамияти. Ишда ДН, ЛН ва ТН  
асарларига Алишер Навоийга қадар мавжуд бўлган узбек тили на-  
мунаси сифатида каради. Шу маънода тадқиқот ўзбек тишиносли-  
ги, хусусан, унинг тарихий лексикологияси учун ўзига хос ил-  
мий-назарий аҳамият касб этади. Бундан тамқаря, мазкур иш ўз-  
бек тили ва бошқа туркий тиллар дугат бойлигининг тараккиёт

<sup>1</sup> Кейинги ўриналарда "Дахнома"ни ДН, "Латоғатнома"ни ЛН,  
"Таашшуқнома"ни ТН деб курсатамиш.

<sup>2</sup> Щербак А.М. Таашшуқ-наме (Текст, перевод, факсимиле)  
Письменные памятники Востока.-М., 1980.

<sup>3</sup> Ҳоджанди. Латағат-наме(Книга о красоте). Введение, тран-  
скрипция текста, перевод, глоссарий, грамматический указатель.  
Э.И.Фазилова.-Ташкент, 1976.

<sup>4</sup> Уша асар.-I4-бет.

Таджикнига азинчалашда ёлан бекади.

Таджикот настикларидан ўзбек тили ташда бомса туркӣ түллеснинг ташхӣ лексикологиясига олий даросиминистрии таҳчирии, ўзбек сийахига яхши ташхиси турганини ва олий тарз ботлари учун даросиминистрии интифодада боғланганни кратки. Убду таджикот олий науқабларининг филологияни бакаръи тарзини маҳсус көрсөлар ӯтишина ҳам ёрдами чанде бўлдишини мавжуд мурожа.

Таджикотиниго истиғози (азроғаридан). Диссертацияни измизуси "Ўзбекистон СА Таджиконослик институтининг Лойиҳа Йозиганинга тасдиқлаган. Иш ту институтининг ўзбек тили ташхиси за илбаси турганини ётимида бағариди. Низоми бўйича бетта ишона ва фарзонала зълови килини. Ишнига настикларди ҳадиса Республикани Ўзбекистон олимдерининг анъанавий ишлай азгунишларина (1989-1990) ахборот берилди.

Диссертациянига сузандай. Иш сўз бомӣ, кириш, инти боб, умумий хулосалар, шартли кискартмалар ва азабеёллоҳ рӯйхатидан иборат. Ишнига умумий ҳамин 132 саҳифани ташкил асталди.

## ИШНИГ ЧАЗИЧИ

Диссертациянига юзни кисмидаги ўзбек тилида яштилган ёзув ёдгорликларининг тил хусусиятлари, шу кунининг, тасвиҳий лексикология бўйича амалга оширилган тилар - шенасидан кисқача маълумот берилди. Стиг ДН, ЛН ва ТН асарларининг кўлъозма нусхалари, муаллифларининг ҳаётни ва тиоди, шунингдек, мазкуро номаларининг ўрганилиш тарихига оид фикрлар билдирилди. Номаларни замонавий нашрлари улардинг кўлъозма нусхалари билан қиёсланиб, замонавий нашрларда ўзларидаги ҳаро ва камчиликлар кўрсатиш ӯтиши.

Биринчи боб "Номалар тилининг лексик катиимлари" деб номланган бўлиб, унда ДН, ЛН ва ТН асарлари тилининг лексик катиимларни тажхид қилинди.

Ху асрнига беринчи яромида яратилган ўзбек номалари тилининг лугавий таркиби соғ қадимти туркӣ сўзлар ва сўз маҳалларининг кўплиги билан кейинги даврларда яратилган асарларни агаралиб түрлади. Бу давр ёзув ёдгорниклари тилида туркӣ сўзлар бинада бирга арабча ва форсча сўзлар ҳам маълум мавжуд

ага бўлган. Номалар тилида уша давр бадиёй адабиётида истифода атилган мўгулча, хитойча, санскритча, юонча сўзлар ҳам учрайди (Ишимизнинг тадқикот манбай бўлган номаларда бўлар куда кам сонни ташкил этганилиги учун уларни алохида атрагаб кўрсатмадик). Бундан ташқари, номалар тилида икки ёки уч тил манбай асосида хосил бўлган сўзлар ҳам мавжуд.

Туркий сўзлар катлаши. Номалар тилида асл туркий сўзлар лексик катламнинг катта қисмини ташкил этади. Бироқ қадимги туркий сўзларнинг кўлланиши жихатдан номалар тили бир-бираидан фарқланади. Масалан, йида кўплаб туркий сўзлар ишлатилган бўлса, йи ва ТН асарларида уларнинг эски ўзбек тилидаги муқобилини учратамиз ёки йида ишлатилган баъзи туркий сўзлар йи ва ТН асарларида учрамайди. Номалар тилида ишлатилган қадимги туркий сўзларнинг аксарият қисми умумтуркий лексик доирада хозиргача сақланиб келаётган бўлса, айримлари фонетик ўзгаришлар билан етиб келган, баъзилари эса унтилган сўзлар каторидан ўрии олган.

Номалар тилида айрим туркий сўзларнинг бир неча фонетик вариантиларини учратиш мумкин. Ўмладан, йида к ёки ғ ундоши билан тугалланган оёк // рёф, ёзук // ёзуғ, янглик // янглиғ, ёрук // ёрүк каби сўзлар мавжуд. ТНда баъзи сўзлар п ёки ф ундоши билан ёзилган: тупрок // туброқ. Йида айрим сўзлар к ёки ғ ундоши билан, баъзи сўзлар т ёки ч ундоши билан ёзилган: янок // янор, камук // какуғ, нетук // нечук каби. ТНда баъзи сўзлар у ёни и улиси билан ёзилган: тегру // тегри.

Туркий катламидиг тарихий тавсифи. Номалар тилидаги сўзларнинг баъзилари уша давр шевалари учун хос булиб, хозирги забек адабий тилида ўзининг муқобилига эга эмас. Номалардаги йир туркум сўзларни "Аттухфатув зекияту фил дугатит туркия" исаридаги сўзлар билан қиёслаганимизда, улар уртасидаги куйинаги ӯлашникларга дуч келдик. Масалан: кената – "кукисдан", кесик – "камчилик", чав – "овоза" сўзлари йида қандай маънода ишлатилган бўлса, "Аттухфа" исаридага<sup>5</sup> ҳам айнан уша маънода айд этилган. Ёкорида келтирилган мисолларни "Девону дуготит урк" исаридаги маълумотлар билан солиштирганимизда, кубида-

<sup>5</sup> Аттухфатув зекияту фил дугатит туркия (туркий тил (кип-тили) хакиба ибора - маддат) (кип-тили) хакиба ибора - маддат)

гича өхтапшлик ва берклем мөлум бўлди. Бу асарда яхши ва чар сўзлари юкорида көрсетилган маънолорга<sup>6</sup> келтирилган бўлед, кайд этилган маънодати Кената сўзи учончайди.

ТНда кўлланган исору - "исор", куллика - "хизматкор" сўзлари қадимги обидаларда, ўмладан, "Денону дуротит турк"да кайл қилинмаган. Асару, куллика сўзлари брилда бу асарда уларниң маъносини избодаловчи тадим, табуги сўзлари келтирилган<sup>7</sup>.

Ҳозирги ӯзбек тилида унтилган сўзлар. Давомлар ӯтиши билан тилининг лугавий таркиби янги-янги сўзлар билан бойиб боради, шу билан бирга, айни сўзлар эскиради ва унтилади. Гундай сўзлар иомалар тилида ҳам учрайди. Бироқ иомаларда ишлатилган ва ҳозирги ӯзбек тили учун унут хисобланган сўзларниң беъзилари иардош туркий тилларда ва ӯзбек тилининг баязи шеваларрида худди бла шакида ва маънода саклануб колган. Гундай сўзлар ДН ва ТНдагига қараганда ЛНда иштирок учрайди. Бу эса Истиконий асарининг қадимги туркий сўзларга бойлигидан дололат беради. Кубида шундай сўзлардан айримларини келтиришим:

Кената - "тўсатдан, ирқисдан, кутпилмаганида":

Кената тушти бу савдо бошича,

Ким алтей тўралаб йорун қожина (ДН,232а).

Совул- - "очмоқ, очимоқ":

Иноят субҳидин совулчисидир,

Даюдам шамътек сўзу гудозинг (ДН,2006).

Кената сўзи "Аттуҳҷа" асарида<sup>8</sup> Амирий қўллаган маънода кайд этилган. Совул- сўзи эса қадимги туркий тилда кенг кўлланган бўлиб<sup>9</sup>, эски ӯзбек адабий тили даврига келиб унинг ишлатилиши кескин камайган. Кената, совул- сўзлари нафасат ҳозирги ӯзбек адабий тили, балки эски ӯзбек адабий тили учун ҳам унтилган сўзлар хисобланади. ЛНда кўлланган иди ("оллоҳ") текиға ("хар қандай, хар кайси, хар бир"), тадим ("кўп"), зилтак ("машакқаг"), ТНда ишлатилган чав ("овоза") заби сўзлар ҳам ҳозирги ӯзбек адабий тилида унтилган сўзлар каторидан ўрин олган.

<sup>6</sup> Денону дуротит турк: Индекс-слугат Р.Аблураимов ва С.Муталибов иштироки ва таҳрири остида. -Ташкент,1967.-41, З19-бетлар.

<sup>7</sup> "ша асар.-240,260-бетлар.

<sup>8</sup> Аттуҳҷатуз зиятиллилуратит туркия.-43-бет.

<sup>9</sup> Древнетюркский словарь. -Л.,1969. -С.492.

Хозирги ўзбек адабий тилида шакли ўзгарган сўзлар. Хуаср ўзбек номалари тилини қиёсий тахлил килиш шуни кўрсатадилки, ушбу асарларда қўлланган туркий сўзлар турли шеваларга мансублиги билан ҳам бир-биридан ажралиб туради. Бу хол асарлар тилида муаллифлар яшаб ижод этган жуғроғий ўрин, ифтимоий шарт-шароитнинг акс этганилигидир. Биз номалар тилини қиёсий тахлил этипда диалектаги фонетик ўзгаришларга ва тарихий жараёндаги шаклий ўзгаришларга алоҳида эътиборни қаратдик.

Хозирги ўзбек адабий тилидаги эзгу сўзининг эдгу кўриниши Хўжандийнинг ЛН асарида келтирилган. Бу эса XII-XIV асрларда Ўрта Осиё туркийсида д>з фонетик ўзгариши содир бўлганлигининг натижасидир<sup>10</sup>. ЛНда "кўйлак" сўзининг кўнглак шакли учрайди. ЛН ва ТНда эса кўнглак сўзи ўрнида форсча пироҳан сўзи ишлатилган. Кўнглак бу сўзининг қадимий шакли бўлиб, XVI асрда қадар шу шаклда қўлланган. Хозирги ўзбек тилида бу сўз "кўйлак" шаклида ишлатилади.

ЛНда ишлатилган сағизғон ("хакка") сўзи хозирги ўзбек тилига с>з фонетик ўзгариши билан загизғон шаклида етиб келган.

ТНда "чарчамоқ, ҳоримоқ" маъноларида ишлатилган ар- феъли қадимги туркий ва эски ўзбек тилида "чарчамоқ, толмоқ" маъноларида қўлланган. Бу сўз хозирги ўзбек тилига ҳори- шаклида етиб келган. Бу хол ушбу сўзининг бошидаги "а" товушининг "ха"-га ўтиш даври билан борғлик.

Ўзлашма сўзлар қатлами. Форсча сўзлар. Ўрта Осиёда форсийлар ва туркийларнинг ўуда қадимдан бирга яшаб ижод этиб келганлиги бизга тарихдан маъдум. Эрамиздан аввалги II-I асрлардаёқ Еттисув ва Сирдарё бўйларида туркий уруғ ва қабилалар билан эроний этник гурӯҳлар ўртасида алоқа ва қўшилиб кетиш ҳоллари юз бера бошлигани<sup>II</sup>. Табиийки, ана шундай вазиятларда, яъни туркий ва эроний элатларнинг бир-бирига бўлгани муносабатлари оқибатида бу икки халқнинг тиллари ўртасида ҳам бир-бирига сўз бериб сўз олиш ҳодисаси рўй бериши муқаррар эди. Туркий ва форсий тиллар ўртасидаги яқин муносабатларнинг

<sup>10</sup> Щербак А.М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X-XIII веков из Восточного Туркестана.-М.-Л., 1961.-С.23.

<sup>II</sup> Вагматов Э. Хозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатлами. -Ташкент, 1985. -105-бет.

авз оларни кар ишни тилининг бойининг олиб келган.

Эски ўзбек адабий тили даврида туркий тилга форс тилидан утраб сўзлар ўзлашиб ўтади. Текширилаётган номаларнинг ёзилиш вақти хам худди шу давога тўроj келади. Эски ўзбек адабий тилига, тумладан, номалар тилига ўзлашган форсий сўзларнинг бир иккимиз изоличча ёки баъзи фонетик ўзгаришлар билан хозирги ўзбек тилига етуб келган бўлса, айримлари хозирга келиб ишлатилиш дохираси төрайган ёки унтилишган сўзлар қаторидан ўрин олган. Масалан, Шаҳи ишатилган ғарбиз ("мард, пахлавон"), дарёб ("Форсийлик, хурсандлик") каби сўзлар борки, улар факат ЎН асарига таалукли бўлиб, шу давода яратилишган бошқа асарларда учрамайди. Гадоий девонида борчча дарёб сўзининг -ла кўшимчасини олган феъл шакли кайд ишлинган<sup>12</sup>. Бундан ташкири, номаларда кўлланган яна биро гувоҳ форсий сўзлар борки, улар бу асарлар тилида ахолида маъно маасб этган. Масалан, обдор сўзининг форсча маъносиги "серсув", "тилвадор, ялтирок", лекин у номаларда "тиник" маъносини ибодалаган:

Тиудум лаълитек бир шеъри рангин,  
Латифу обдору тархи сангин (ЎН, 2696).

Арабча сўзлар. Арабча сўзларнинг туркий тилга, тумладан, эски ўзбек тилига фаол равишда кирюб келиши асосан XI-XIII асрлардан болланганлиги маълум. Бу арабларнинг Ўрга Осиёни забт этиб, шу худуддаги махаллий ёзувлар Ўринига ўз ёзувини жорий ҳлиб, диний, илмий ва бомжия ёзималарни араб тилида олиб борга келилари билан борглик ходисадир. Эски ўзбек адабий тили даври туркий сўзларнинг арабча маънодошларини кўллаш кенг тус олган. Ўзбек адабий анъана тубайли XIV-XV асрлардаги ўзбек тилида араб тили лексикаси сазиларни катламни ташкил киляган<sup>13</sup>. Номалар тилига ўзлашган арабча сўзларнинг аксарият қисми нарса ва ходисалар, мавхум ва диний тушунчалар, афсонавий ва тарихий шахсалар номлари билан борглик бўлган атамалардир. Номаларда кўлланган арабча сўзларни хозирги ўзбек адабий тили нуқтai назаридан олиб қарайдиган бўлсак, шунга гувоҳ бўламизки, уларнинг

<sup>12</sup> Рустамов М. Гадоий девони тилининг лексикаси: Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Ташкент, 1992. -75-бет.

<sup>13</sup> Боровков А.К. О языке узбекской поэзии Общественные науки в Узбекистане. -1961, №10. -С.42-43.

көпчиллиги хозирги ўзбек тилига ўзгаришсиз ёки тузъий ўзгаришлар билан етиб келган бўлса, баъзиларининг ишлатилиш деяраси торайган ёки умуман сақланиб қолмаган. Масалан, Ўнда ишлатилган мадҳар ("шон-шухрат"), хат ("мўй, хотин-қизлагнинг ўқори лаби устидаги туклар"), нисоб ("даражা, миқдор"), қудсий ("фаришта") ёки Ўндағи авсоф ("таърифлар, мактоблар"), мутхам ("яшионн"), сабуҳий ("эрталаб оллохни эсга одувчи"), худди ("жаннат"), Ўндағи янғус ("шухрат, овоза"), давҳ ("дунё, олам, борлик"), қийду код ("гап-сўз, овоза") каби сўзлар хозирги ўзбек тилида сақланмаган.

Хозирги ўзбек адабий тилида номаларда қўлланган баъзи арабча сўзларнинг маъноси торайган. Масалан, унвон сўзи Ўнда "дебоча, сарлавха" каби маъноларни ифодалаган бўлса, хозирги ўзбек тилида бирор иш, фаолият соҳасидаги хизмат ёки мутахассислик даражасини белгиловчи маҳсус таъсис килинган ном маъносида қўлланади.

Мазкур номаларда қўлланган айрим арабча сўзлао хозирги ўзбек тилига баъзи фонетик ўзгаришлар билан етиб келган. Масалан, набот - новвот, санубар - санобар.

ХУ аср ўзбек номаларида араб тилидан ислом таъсирида ўзлашган айрим диний, гасаввуғий сўзлар хам қўлланган. Бундай сўзлар баъзан ўз маъносида, баъзан эса кўчма маънода ишлатилган. Бу тонғадаги сўзлар ЎН ва Ўнда нисбатан кўпроқ учрайди. Масалан, ваз-зухо - "чошгоҳ вақтига қасам, күёшнинг чошгоҳ вақтидаги кўриниши", вал-хайд - "тун билан қасам, тун каби коронғу" сўзлари Куръони карим сураларидан олинган иқтиборлардир.

Номалар тили лексикасининг мавзуйи гуруҳлари. Ўзбек номалари тилида арабча, форсча сўзлар хам салмоқли ўрин тутишиб кўриб утдик. Бундан ташқари, номаларда мўғулча ясак "аскар", ясавуд "интизом сақловчи", яроқ "курол-аслаҳа", сўғдча "жемок" "жаннат", акун "дунё", санскритча чериқ "лашқар", хитойча шын // йин "дур, марварид", чанг "чолғу асбоби" каби сўзлар хам қўлланган. Лекин номаларда бундай сўзлар кам миқдорни ташкил этганлиги учун ишмизда уларни алоҳида мавзуйи гуруҳларга атратмадик.

ХУ аср ўзбек номаларида турли мавзуйи гуруҳларга оид сўзлар қўлланган бўлиб, улардаги барча генетик қатламларга ман-

суб откварни бир жойда көлтирамиз.

1. Осанын кисмлари: ой (ЛН,ДН,ТН), булут (ДН,ДН), күн "ку-  
ег" (ДН), мөх (ЛН,ДН,ТН), ахтар "юлдүз" (ТН), сипеке "осмон"  
(ДН), антум "юлдүзлар" (ЛН,ТН), камар (ЛН,ТН), кавкаб "юлдүз"  
(ДН) ва бошқалар.

2. Даррабий түшнічадар: ажун//ачун "дүнё" (ЛН,ТН,ДН), тег-  
ла "атроф" (ДН), чөр "вакт" (ЛН,ТН), жахон (ЛН,ТН,ДН), чарх  
(ДН,ДН), гардун (ДН), олам (ЛН,ТН,ДН), оғоқ "дүнё" (ДН,ТН),  
авқот "вактнинг күплиги" (ДН) ва бошқалар.

3. Чавуты түшнічадар: кайғу (ЛН,ТН,ДН), осир "Фойда" (ЛН,  
ДН), залгу "зэлгу" (ДН), шафо (ЛН,ТН,ДН), пеша "хунар" (ЛН,ТН),  
шикиб "сабр" (ДН), турм "гүнох" (ДН,ТН), футувват "сахийлик"  
(ТН), шақоват "бахтсизлик" (ЛН,ДН) ва бошқалар.

4. Диний түшнічадар: иди "худо" (ЛН), тангри (ТН,ДН), уған  
"худо" (ДН), парий (ЛН,ДН,ТН), бихишт (ЛН), дуо (ЛН,ДН,ТН),  
құлсий "ғарышта" (ЛН), маъбуд "тангри" (ЛН) ва бошқалар.

5. Астрономик ұйнов бирликтәрі: йил (ЛН,ТН,ДН), тоңг (ДН,  
ДН), тоңглоғи "эртанги" (ДН), күш (ЛН), баҳман "қиши ойи" (ДН),  
чила (ДН), шом (ДН), сахар (ЛН,ТН,ДН), субх (ДН,ТН), ҳамал  
(ТН) ва бошқалар.

6. Табиат ҳолисадары: ел (ЛН,ТН,ДН), чакмок (ЛН,ДН), бол  
(ТН), насым (ЛН), сассар "кучли шамол" (ДН), лайлатау қадар (ЛН,  
ТН) ва бошқалар.

7. Хайвандар, құштар, ҳашаротларнинг номлари ва уларга ало-  
қадар сұздар: илбусин "куш" (ДН), коринча "чумоли" (ТН), ас-  
лон (ЛН), тайрон (ДН,ТН), бутимор "ағсанавий күш" (ДН), шаб-  
ранг "от" (ДН), буров "от" (ДН), андалиб "булбул" (ЛН), настри  
тойир "қийғир" (ДН), рұқ "бақа" (ДН) ва бошқалар.

8. Бөлдерчilik терминлари ва ұсимликлар номи: чечак (ЛН),  
чимган "майсазор" (ДН), тикан (ЛН,ДН), лола (ЛН,ТН,ДН), сипанди  
"исирик" (ДН), суман "гүл" (ЛН,ДН), чинор (ЛН), шақойиқ "лола"  
(ДН,ЛН), ханзал "ит қовун" (ДН,ЛН), нор (ДН,ТН) ва бошқалар.

9. Кимматбахо тошлар ва маъданлар: олтун (ЛН,ДН), ёқут  
(ЛН,ТН,ДН), нұкра (ЛН), мум (ДН), сиймин "күмүш" (ДН), лаъл  
(ДН,ТН,ДН), олмос (ДН), садағ (ЛН,ДН) ва бошқалар.

10. Инсон танаси кисмлари: баш (ЛН,ТН,ДН), энг "юз" (ЛН,ДН,  
ТН), әл, әлик (ЛН,ТН,ДН), дудағ (ТН), манглай (ДН), лаб (ЛН,ТН,  
ТН), әл, әлик (ЛН,ТН,ДН), дудағ (ТН), манглай (ДН), лаб (ЛН,ТН,  
ТН), әл, әлик (ЛН,ТН,ДН), дудағ (ТН), манглай (ДН), лаб (ЛН,ТН,  
ТН).

ДН), рүй "кәз" (ДН), чин "соң гажаги" (ЛН), ораз "кәз" (ЛН, ТН, ЛН), басар "күз" (ТН), жабин "манглай" (ДН) ва бошқалар.

II. Ичимлик, емис ва уларга даҳлор сўзлари бал (ДН, ЛН), чогир (ДН), май (ЛН, ТН, ДН), бода (ДН, ТН), мул "май" (ДН), куб "май солинадиган сопол идим" (ДН), сахбо "қизил май" (ЛН), шароб (ЛН, ДН), шахд "асал" (ЛН) ва бошқалар.

12. Турли тармоқларга оид предметлар ва уларнинг қисмларини атовчи сўзлар: кўзгу (ЛН, ДН), ярмоқ "буғдой" (ДН), тагма "тамға" (ЛН), абришим "ипак" (ЛН), заврак "қайик" (ЛН), шатранж "шахмат" (ЛН, ДН), жадвал (ДН), микроз "қайчи" (ДН), муҳор (ДН) ва бошқалар.

13. Тиббиётга оид атамалар: иғ "касаллик, дарп" (ЛН), ағриф (ДН), тўтиё (ДН, ЛН), мушк (ЛН, ДН, ТН), ноға "мушкка ўхшаш хушбуй нарса" (ЛН), заҳм "яра" (ДН), табиб (ЛН, ДН), жароҳат (ДН) ва бошқалар.

14. Мансаб, дарахта, қасб-хунар ва машгулот номлари: оёқчи "сокий" (ТН), доруга "шаҳар бошлиги" (ДН), куллукча "хизматкос" (ТН), йирөвчи "ашулачи" (ДН), гарроӣ "кул" (ТН), чабуксувор (ДН), дабир "котиб" (ТН), қосид "хабарчи" (ДН), гаммоз "айғоқчи" (ДН) ва бошқалар.

15. Иншоот ва үнинг қисмлари номи: эв "уй" (ЛН, ДН), қабук "эшик, дарвоза" (ЛН), ўрда (ДН, ТН), ошён (ДН), дарвоза (ДН), зиндан (ДН), висоқ "уй" (ЛН), сур "қўргон, қальъа" (ДН), хаварнок "афсонавий қальъа" (ДН), сирр "каъба" (ТН) ва бошқалар.

16. Атбоф мұхитни ұраб тұрувчи объектларнинг номлари: тенгиз (ДН), төг (ДН), урам (ЛН), күх-и хайбар (ТН), роҳ (ДН), дарё (ЛН, ДН), баҳр "дарё, дениз" (ЛН, ТН, ДН), ақба "төг йули" (ДН), коғ "төг" (ТН) ва бошқалар.

17. Чолғу асбоблари, күйлар ва уларга даҳлор сўзлар: йир "ашула" (ДН), күк "күй" (ДН), құбуз (ДН, ТН), барбат "удга ўхшаш 8 торли қадимий чолғу асбоби" (ЛН, ДН), чагона (ДН, ТН, ЛН), руд "торли асбоб" (ДН), адвор "мусиқа назарияси" (ДН), уд (ДН), нағыр "сурнай" (ДН) ва бошқалар.

ЛН, ТН, ДН асарларыда құлланған сўзлар диссертацияда 26 та мавзуй гурухга акратилди. Оқорида буларнинг асосийлариги на күрсатыб туилди.

Мазкур мавзуй гурухларнинг генетик таҳлили шуни күрсатачики, хайвонлар, құшлар, ҳашаротлар ва уларга даҳлор сўзлар,

астрономик ўлчов бирликлари, инсон танаси қисмлари каби мавзуй гурухларда ишлатилган сўзларнинг аксарият қисмини туркий сўзлар ташкил этади. Бордорчилик терминлари ва ўсимликлар номи, тиббиётга оид атамалар, ранг, маза-таъм ва хид билдирувчи сўзлар каби мавзуй гурухларда кўпроқ форсча сўзлар учрайди. Фалсафий, диний ва мавхум тушунчаларга оид сўзларнинг асосий қисмини арабча дувавий бирликлар ташкил қиласди. Номаларда қўлланган туркий, форсий ва арабий сўзлар хусусида қуйидагича статистик хулоса чиқариш мумкин:

Днда туркий сўзлар 42-44 фоизни, форсий сўзлар 20-22 фоизни, арабча сўзлар 35-37 фоизни ташкил қиласди.

Днда туркий сўзлар 35-36 фоизни, форсий сўзлар 23-25 фоизни, арабча сўзлар 38-40 фоизни ташкил қиласди.

Тнда туркий сўзлар 32-35 фоизни, форсий сўзлар 25-28 фоизни, арабча сўзлар 35-36 фоизни ташкил қиласди.

Диссертациянинг "Номалар тилининг лексик-семантик хусусиятлари" деб номланган иккинчи бўбидаги номалар тилидаги кўп маъноли сўзлар, маънодош сўзлар, шакидош сўзлар ва зид маъноли сўзлар тахлил қилинди.

Кўп маъноли сўзлар (Полисемия). Маълумки сўзларнинг янги маънолар билан бойиб бориши кўпгина сўзларда кўзга ташланадиган қонуний ҳодисадир. Чунки сўзга кейинчалик юкланган янги маъно лексик бойлика тилда пайдо бўлган янги сўз каби хисса кўшади, тилни ривожлантиришга хизмат қиласди<sup>14</sup>. Полисемантик сўз қанча кўп маънога эга бўлмасин, бу маънолар ўзаро боғланган бўлади. Худди шу хусусият полисемантик сўзларни омонимлардан фарқлайди<sup>15</sup>. Полисемияни юзага келтирувчи ҳодисалардан асосийлари метонимия, метафора ва синекдохадир<sup>16</sup>.

Эски узбек тилидаги кўп маъноли сўзлар масаласи бир қатор ишларда ёритилган (Б.Бафоев, А.Каримов, М.Рахматуллаева, И.Носиров, М.Рустамов). Номалар тилидаги кўп маъноли сўзларни тахлил қўйилдиша биз шу ишларга асосландик.

<sup>14</sup> Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қискача очерк.- -Тошкент, 1959. -167-бет.

<sup>15</sup> Ҳозррги узбек адабий тили: I қисм. -Тошкент, 1980. -106-бет.

<sup>16</sup> Реформатский А.А. Введение в языкознание.-М., 1960.-С.53; Аликулов Т. Полисемия существительных: Автореф.дис. ...канд.фи-лол.наук.-Ташкент, 1966.-С.22; Миртохиров М. Узбек тилида полисемия. -Тошкент, 1975.-48-бет.

Номалар тилида көрсүк полисемияни юзага көлтирувчи дикор-  
енди ходисалар. Хар кандай ёзув ёдгорлик тилида бўлгани каби  
номалар тилида ҳам сўзиар ўз ва кўчма маъноларда ишилатилган.  
Бунда, албатта, хар бир асар тилида айрим сўзлар ўзига хос  
маъноларда учрашини ҳам қайд этиш моиз.

ЛН, ТН ва ЎН асарлари ишкий номалардан иборат бўлганлиги  
сабаби маъшука образи ва уенинг тана аъзолари табиатдаги нар-  
са ва ходисаларга киёс килинади. Бу эса ўз навбатида кўпмасно-  
лики ходисасини юзага көлтиради. Масалан, "қимматбаҳо том"  
маъносидаги арабча "лаъл" сўзи номаларда ғакат "қимматбаҳо том"  
маъносида эмас, балки "маъшуканинг лаъл каби қизил лаби" маъно-  
сида ҳам ишилатилган. Бу бевосита метафора йўли билан маъно кў-  
чилидир.

Метонимија деганда, нарса ва ходисалар ўргасидаги зохирий  
борганиш асосида маъно кўчиши назарда тутилади. Бунда номлари  
бир-бирiga ўтувчи нарса ва ходисалар бир макон ёки замонда во-  
ке бўлади, уларнинг бирни сабаб, иккичиси окибат ва шу каби бол-  
на хил борланишларда бўлши керак<sup>17</sup>. Масалан, форсча ком сўзи  
Ўнда "идим, қадаҳ" маъносида қўлланган бўлса, ЛН ва ТНда "қа-  
даҳ" ва "май" маъноларида ишилатилган. Яъни комнинг "қадаҳ" маъ-  
носи ўнга қўйиладиган иччиликни аташ учун асос бўлган.

Синекдоха қисмни англатадиган сўз билан бутунни ёки бутун-  
ни азглатадиган сўз билан қисмни аташга асосланган маъно кўчи-  
шидир<sup>18</sup>. Масалан, Ўнда араб сўзи "шахс", "миллат", "мамлакат"  
каби маъноларда ишилатилган. Бунда араб сўзи қисм сифатида бутун-  
ни ҳам ва, аксинча, бутун сифатида қисмни ҳам аташга хизмат  
килган.

Номаларда кўп маъноли сўздарнинг қўлланини. Ўнда Хўжандий  
ЕМ-Феълини иккни маънода ишилатган. Бунда шоир гулнинг очилиши-  
ни макозий маънода инсон табассумига киёс килади:

а) "куймоқ" маъносида:

Кудар бўлсанг, киш ичра ёз очилур,

Сочингдан анбару соро сочикур (ЛН, 97-байт).

б) "очилмоқ" маъносида (гулага нисбатан):

<sup>17</sup> Рустамов М.А. Гадоний девони тилининг лексикаси. -56-  
бет.

<sup>18</sup> Ҳарангт: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили.  
-Ташкент, 1970. -24-бет.

Сахар гулғунчаки оламға күлди,  
Тор сөзингиң көрүб гулғунча бүлди (ЛН, 227-байт).  
Дида сүзларнинг күпмәйнолилиги алоҳида хусусиятга эга.  
Айникса, туркӣ сүзлар бир неча маънода ишлатиладики, бу бевозита ўз лексик қатламни бойитишга хизмат қиласди. Дида тил сўзининг икки маъноси келтирилган бўлса, Дида шонр бу сўзни ҳархил маънода кўллаган.

Тил сўзининг лексик маънолари ва унинг иштирокида ҳосил бўлган турғун иборалар I-жадвалда акс этган.

### I-жадвал

Лексик маънолар	Турғун иборалар	Ибораларнинг: маънолари	Асарлаода кўлланиши	ЛН : ДН : ТН
1. Нутқ жузви				+ + -
2. Лугат, лафз				+ + -
3. Сўз, гап	тил оч-	сўз бошламоқ	- + -	
	тил тез қил-	аччиқ сўзламоқ	- + -	
	тил узат-	маломат қилмоқ	- + -	
4. Ният	тили бир	нияти бир	- + -	
5. Асир	тил ол-	асир олмоқ (тушмоқ)	- + -	
	(бер-)			
6. Гап-сўз, овоза	эл тили	одамлар ораси- даги гап-сўз	- + -	
7. Қаламнинг учи			- + -	

Маънодош сўзлар (Синонимлар). Ўзбек тилшунослигига сўзлар орасидаги маънодошлиқ мураккаб масалалардан бири хисобланади. Ҳозирга қадар кўплаб мақола ва рисолаларда синонимлар ҳакида фикр юритилган бўлса-да, уларнинг барча кирраларини ёритиб берувчи умумий таъриф ва аниқ бир тасниф яратилганича йўқ. Ҷунончи, Раҳматуллаева қайд этганидек, "эски ўзбек тилида яратилган ёдгорликларимизни ўрганиш жараёнида синонимлар борасидаги мулоҳазаларимиз синонимларга янгича баҳо беришга олиб келиши табиий. Нега деганда, эски ўзбек тилидаги синонимларнинг хилма-хиллигининг узи синонимларга янги-янги қоидаларни келти-

раб чикаради"<sup>19</sup>.

Номалар тилинаги мәннөөлүк көрөмдөлөнөң бергүйдөй де генеалогия стокасы:

I. Туркий сұздар маңнодоллығи. Бұндай маңнодолдарның номалар тилинде күлдінші бир хилда змес. Еумадан, Әнда шоғыр туркий сұздарнинг туркий маңнодолларын топаб ишатигта жаравар күлтән бўлса, ТИ муаллифи туркий сұздарнинг борсай ва арабай маңнодолларини баравар күлмаган. Әнда эса Амирий туркий отчестванинг арабий маңнодолларидан көнгроқ ғойдаланган. Масалан: ~~бадри, иди, ған~~ (ДН). Щунингдек, бу асарда ~~коришик ағылшын - ғоришик~~ - сөзи гөзин каби бириммалар хам маңнодолларни тапкилган.

2. Форсий сұздар маңнодоллығи: тир - хаданг, бола - май - муд.

3. Туркий ва форсий сұздар маңнодоллығи: иргиг - хаста, ориғ - пок.

4. Туркий ва арабий сұздар маңнодоллығи: ыңдуз - ғұлпаз-кавказ, язук - қурм.

5. Туркий ва коришик сөз ҳамда бириммалар маңнодоллығи: тұдун ой - бадри мунир - мөхі тобон, қиё бек - назар сөл.

6. Арабча ва форсча сұздар маңнодоллығи: ал - рев, шакомиқ - лола, жаммом - шүх.

7. Форсча ва коришик сұздар маңнодоллығи: овоза - гүлтүр гүй - қийлу қол.

8. Арабча ва коришик сұздар маңнодоллығи: фалак тәквими - күк қадвали.

9. Туркий, форсий ва арабий сұздар маңнодоллығи: чөғир - май - саҳбо, әнг - рухсор - узор.

10. Туркий, форсий ва коришик сұздар маңнодоллығи: хон - подшо - сохибсарир.

II. Туркий, арабий ва коришик сұздар маңнодоллығи: кечар - фоний - бақоси йүк.

12. Форсий, арабий ва коришик сұздар маңнодоллығи: берәж - вағосиз - меҳри ёлғон - ёлғончи.

Номаларда фразеологик иборалардан ҳосил бўлган синонимдар хам мавжуд. Масалан, Әнда шоир илик көмок - из зерумоз ибораларини "воз кечмок" маңносида қўллаган.

<sup>19</sup> Рахматуллаева М. Лирик маъшуқани иғодаловчи синонимдар Адабий мерос .-Ташкент, 1976, 6-сон. -6, 9-бетлар.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ЛН, ТН ва ДН асарлари муаллифаи синонимларни ишлатишга алоҳида эътибор берганлар ва шу орқали эски ўзбек тили лексикасини бойитишга катта хисса кўшганлар.

Шаклдош сўзлар (Омонимлар). Тилнинг лексик-семантик категорияларидан бирини ташкил этувчи шаклдош сўзлар ҳақида кўп ишларда тўхтаган бўлса-да, ўзбек тилшунослигида бу масала ҳозирга қадар мунозарали бўлиб колмокда.

Номалар тилидаги шаклдошлик муносабатларининг турдари. Номалар тилидаги шаклдош сўзларни шартли равишда олти турга бўлиш мумкин. Улар куйидаги характерга эга:

Маъдумки, дуғавий шаклдошликда сўзлардаги шакл ва маъно ўртасидаги муносабатларнинг бир неча тури мавжуд. Бунда сўз - нинг шакли деганда, унинг ҳам ёзувдаги, ҳам талафғуздаги ифодаси, маъноси деганда эса сўзниг ҳам лексик, ҳам грамматик маъноси назарда тутилади.

1. Икки ёки ундан ортиқ сўзниг талафғузи ва ёзилиши бир хил бўлиб, лексик ва грамматик маънолари ҳар хил бўлади: **شاد** ўт "мажлис, сухбат" - **شاد** ўт "утмоқ феълининг ўзаги".

2. Шаклдош сўзларнинг талафғузи, ёзилиши ва грамматик маъноси мос келади, бироқ лексик маънолари ҳар хил бўлади: **ماي** оёқ "май, қадаҳ" - **ماي** оёқ "оёқ, бут".

3. Шаклдош сўзларнинг талафғузи, ёзилиши ва лексик маънолари бир хил бўлиб, грамматик маънолари ҳар хил бўлади: **аш** том "тошмоқ феълининг ўзаги" - **аш** том "ичнинг зидди, ташқари".

4. Шаклдошлика киришган сўзларнинг ёзувдаги ифодаси бир хил бўлиб, талафғузи, лексик ва грамматик маънолари ҳар хил бўлади: **куб** куб "май сақланадиган сопол идиш, хум" - **куп** кўп "кўп".

5. Шаклдош сўзларнинг ёзилиши ва грамматик маънолари бир хил бўлиб, талафғузи ва лексик маънолари ҳар хил бўлади: **жир** йир "куй, қўшиқ" - **эр** ер "замин".

6. Шаклдош сўзларнинг талафғузи ва грамматик маънолари бир хил бўлиб, ёзилиши ва лексик маънолари ҳар хил бўлади:

**арз** арз "мурожаат" - **арз** арз "маскан".

Номаларда шаклдош сўзларнинг кўлланиши. Эски ўзбек тилида яратилган шеъриятда шаклдош сўзлар куда мухим вазифани ба-

жарган. Асардаги маънно ва мазмунни ихчам ифода этиш, асарнинг бадиий қимматини ошириш мақсадида турли шаклдош сўзлардан бойдаланиб, тағнислар яратиш анъанага айланган. Бу анъана ӯзбек номаларида ҳам ӯз аксини топган. Бундай шаклдош сўзларнинг бир туркуми соғ туркий сўзлардан, бошқалари арабий сўзлардан, айтуркими форсий сўзлардан, баъзилари эса туркий-форсий, туркий-арабий, форсий-арабий сўзлардан ташкил топган. Диссертацияда булар гурухларга булиб маҳсус таҳлил этилди.

Табиийки, номалар тилида шаклдош сўзларнинг кўлланиши бир хилда эмас. Масалан, йида ишлатилган шаклдошлик ЛН ва ТНда учрамайди. Шунингдек, йида шаклдош сўзлар ЛН ва ТНда кўлланимаган. Номалар тилидаги шаклдош сўзларнинг айримлари ҳозирги ӯзбек тилида шаклдошлик қаторини ҳосил килемаслиги ҳам мумкин.

Хуллас, номалар тилида ишлатилган шаклдош сўзлар эски ӯзбек адабий тили лексикасини урганинча, хусусан, ундаги шаклдошлик қаторларини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Номаларда ишлатилган шаклдош сўзлардан баъзилари 2-ғадвалда кўрсатилди.

Зид маъноли сўзлар (Антонимлар). Эски ӯзбек адабий тилидаги антонимлар (зид маъноли сўзлар) ҳозиргача етарли даравада урганилган эмас. Ёзув ёдгорликларнинг тил хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотларда антонимлар қисман ёритилган, лекин бу борада маҳсус тадқиқотлар ёхуд монографиялар ҳозирча вуҳудга келгани йўқ.

Номалар тилидаги зид маъноли сўзларнинг таркиби ва генеалогик турлари. Ӯзбек номалари тилининг лугавии таркибида шаклдош ва маънодош сўзлар каби зид маъноли сўзлар ҳам маълум бир гурухни ташкил этади. Номалар тилидаги лексик антонимларни куидаги генетик гурухларга булиб урганиш мумкин:

1. Соғ туркий сўзлардан ташкил топган антонимлар: йирок - явуқ, эгри - туз ва бошқалар.

2. Туркий ва форсий сўзлардан ташкил топган антонимлар: кундуз - шаб, тикан - гул ва бошқалар.

3. Туркий ва арабий сўзлардан ташкил топган антонимлар: қайру - ғараҳ "шодлик" ва бошқалар.

4. Форсий сўзлардан ташкил топган антонимлар: ошкора - пинхон, доно - нэдон ва бошқалар.

5. Форсий ва арабий сўзлар зидлашуви: шодий - ғам ва бош-

## 2-жадвал

Имлоси	Тадафузи	Маъноси	А сардар		
			: ЛН	: ЛН	: ТН
عَوْتَدْ	yt(t)*	майса	-	+	-
عَوْتَدْ	yt(t)	олов	+	+	+
عَوْتَدْ	yt(t)	мажлис, кечча	-	+	-
عَوْتَدْ	yt(t)	куй, хониш	-	+	+
عَوْتَدْ	yt-(t)	кечмок	-	+	-
عَوْتَدْ	yt-(t)	ютмок	+	-	-
جِنْ	чин(Ф)	дона	-	+	-
جِنْ	чин(t)	рост	+	+	+
جِنْ	чин(Ф)	соч газаги	+	-	-
جِنْ	чин (Ф)	Хитой	-	-	+
كُوكْ	кук(t)	фалак, осмон	+	+	+
كُوكْ	кук(t)	куй, оханг	-	+	-
بَرْ	бир(t)	куй, хониш	-	+	-
بَرْ	ср(t)	замин	+	+	+
خَاتَهْ	хато(a)	нуксон	+	-	+
خَاتَهْ	Хито(a)	Хитой	-	+	+
كُويْ	гуй(Ф)	чавгон тўпи	-	+	-
كُويْ	куй(t)	оханг	-	+	+
كُويْ	куй(Ф)	кучча	-	+	+
كُويْ	гуй(Ф)	айт, сузла	-	+	-

калар.

6. Арабий сўзлардан ташкил топган антонимлар: арш "эрг ёкори осмон" – фарш "ер юзи", ганий "бой", муфлис "камбагал".

Диссертацияда контекстуал антонимлар хакида хам фикр юритилган. Лексик антонимлар контекстда хам, контекстдан ташқарида хам антонимик хусусиятини саклаган булади. Контекстуал антонимлар эса факат айрим контекстдагина антонимик муносабатга кириншиб, ундан ташқарида бири иккинчисига зид булмайди<sup>20</sup>. Масалан: кундуз – лайлат ул-қадр, шахд – ханзал ва бошқалар.

\* Ҳавслар ичидаги т – туркий, Ф – форсий, а – арабий де – макдир.

<sup>20</sup> Шукуров Р. Узбек тилида антонимлар. –Тошкент, 1977.-56-бет.

Номалар тилида лексик-фразеологик антонимлар хам ишлатилган. Масалан, номалардаги "ғойиб бўлмоқ" маъносидаги тун-көр бўл- "куриимоқ" маъносидаги пайдо йўл- каби фразеологик иборалар шулар ғумласидандир.

Хуллас, номаларда кўлланган зид маъноли сўзларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари турличадир. Номаларнинг муаллифлари зид маъноли сўзларни хосил килишда сўзларнинг кўп маъноли хусусиятларидан ижобий фойдаланганлар. Бу асарлардаги зид маъноли сўзлар ўз ва ўзлашган қатлам асосида хосил бўлганлиги билан хам характерлидир.

Умумий худосалар: I. XУ асрнинг биринчи ярмида яратилган "Дахнома", "Латофатнома" ва "Таашхукнома" асарлари Алишер Навоийгача амалда бўлган ўзбек адабий тилининг холатини ўзида акс эттирувчи муҳим манбалар қаторига киради.

2. Номалар тили лексикаси генетик жиҳатдан туркӣ, форсий ва арабий сўзлардан иборат бўлиб, уларнинг салмоқли қисми туркӣ сўзлар ташкил этади. Номалар тилидаги ўзлашган сўзларнинг аксарият қисми ўзининг туркӣ маънодосларига эга бўлиб, уларнинг кўпчилигини муаллифлар лисоний ранг-баранглик учун ишлатгая.

3. Номалар тили маънодош, шаклдош, зид маъноли ва кўп маъноли сўзларга бой бўлиб, бу жиҳатдан ҳар бир номанинг ўзига хос хусусиятлари бор. Номалардаги сўзлар муаллифлар томонидан юк - сак бадиий маҳорат билан ишлатилган бўлиб, ҳар бир услубий воказ билан ишлатилган бўлиб, ҳар бир услубий воказ (маънодош, шаклдош, зид маъноли ва кўп маъноли сўзларни) улар ўз асарининг роявий мазмунини ёрқин ифодалаш, қаҳрамонларнинг табиатини, руҳий холатини теранроқ тасвирилаш ва, шу билан бирга, ўз фалсафий қарашларини илгари суриш мақсадида истифода этганлар.

4. Номаларнинг муаллифлари сўзларни ўзга маъно ва шаклларда кўллаш ҳамда арабча ва форсча сўзлардан унумли фойдаланиш билан ўзбек адабий тили лугатини бойитишга салмоқли хисса кўшганлар.

5. XУ асрдан, яъни номалар ёзилган давордан хозирга қадар ўтган давр давомида ўзбек тилининг лугат бойлигига кечган ўзгаришилар барча генетик қатламлаш бўйича маълум дараҷада ўз аксини топган: а) айrim сўзлар вазифаси жиҳатдан ўзгарнишга учрашган, бавзилаши унтилган; б) бир қатор сўзларда маъно ўзгариш-

дари юз бергани; в) баязи сўзларнинг фонетик ийёфаси музъий узгаришларга учраган. Лекин бу хол ўзбек адабий тили учунги-на хос, чунки бундай сўзларнинг кўпчилиги хозир ҳам айрим ўзбек шевалари ёки бошқа туркий тилларда ўша маъно ва шаклларда кўлланиб келмоқда.

Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиғнинг қўйидаги макодаларида акс этган:

1. XУ аср ўзбек номаларида қадимги туркий сўзларнинг кўлланишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. -1991, 5-сон, 47-49-бетлар.

2. "Таашшуқнома" асарида синонимларнинг кўлланиши // Республика ёш ғилолог олимларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. -Тошкент, 1989, 81-82-бетлар.

3. XУ аср ўзбек номаларида чолгу асборблари ва куй номлари // Республика ёш ғилолог олимларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. -Тошкент, 1991, 105-106-бетлар.

4. XУ аср ўзбек номалари тилида зид маъноли сўзларнинг таркиби ва маъно хусусиятлари // Ўзбек тилшунослигига оид тадқиқотлар: Ҷумхурият ёпи тилшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. Ўчишиб. -Тошкент, 1992, 61-62-бетлар.

5. Номаларда шахид сўзлар // Ўзбек тилшунослигига оид тадқиқотлар: Ҷумхурият ёщ тилшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. Учишиб. -Тошкент, 1993, 55-56-бетлар.

6. Эски ўзбек тили ёдгорликларидан олинган сўзлар лугати. -Тошкент, 1989, 53-бет (Р. Ҳуманиёзов билан ҳамкорликда).

## РЕЗЮМЕ

диссертации Жумасека Акрама Гаффоровича на тему "Сравнительный анализ лексики языка узбекских *наме* XV века", представленной на соискание учёной степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.02 – Национальные языки (узбекский язык)

Диссертация посвящена исследованию лексики языка староузбекских письменных памятников первой половины XV века *Дах-наме*, *Латофат-наме* и *Тааштук-наме*. В работе по *Дах-наме* и *Тааштук-наме* использована лондонская рукопись, хранящаяся в Британском музее в составе сборника Add. 7914, а по *Латофат-наме* – сводный транскрипционный текст, подготовленный и изданный Э.И.Фазыловым в книге "Ходжанди Латофат-наме" (Ташкент, 1976).

Анализ лексических особенностей языка исследуемых памятников осуществлен в плане сравнения с данными других памятников староузбекской письменности, современного узбекского литературного языка и его говоров, с привлечением материала других современных тюркских языков и древнетюркских письменных источников. Это дало возможность выявить специфические лексические особенности этих памятников и определить их место и роль в развитии староузбекского литературного языка.

Диссертация состоит из предисловия, введения, двух глав, заключения, списка условных сокращений и использованной литературы. Диссертация написана на узбекском языке. Общий объем работы составляет 132 стр. машинописи.

В предисловии диссертации определены цель и задачи исследования, его актуальность, обоснованы научная новизна, теоретическая и практическая значимость работы.

В введении даны критический обзор литературы по теме, сведения об исследуемых памятниках, приведены результаты сопоставления их рукописей с изданиями на современной узбекской письменности, показаны допущенные в этих изданиях недостатки.

Первая глава диссертации под названием "Лексические пласты языка *наме*" включает в себя три раздела. В первых двух разделах исследованы собственный (турецкий) и заимствованные (персидский)

## SUMMARY

*The comparative analysis of the NIZAK Nameh  
vocabulary of the XV century  
Akram Jumayev*

The thesis is devoted to the investigation of the vocabulary of the old Uzbek literary monuments *Deh Nameh*, *Latafat Nameh* and *Taashshuk Nameh* written in the 1st half of the XV century. In the research work as a source for *Deh Nameh* and *Taashshuk Nameh* the British Museum manuscripts have been used which are included into the collection Add 7914 and the transcriptional text edited by E. J. Pazyrov in the book "Latafat-nameh" of "Khujandi" (Tashkent, 1978) has been taken for *Latafat Nameh*.

The Analysis of the lexical features of the studied literary monuments have been done in comparison aspect with the other monuments of the old Uzbek writing, the modern Uzbek language and its dialects, the materials of the other modern turkic languages and old turkic writing sources. This way of analysis has given the opportunity to reveal the specific lexical features of the studied literary monuments and define their place and role in the development of the old Uzbek literary language.

The thesis consists of introduction, two chapters, conclusion, the conventional abbreviations list and bibliography. The total volume includes 132 typing pages.

In the introduction of the thesis the purpose and problems of the investigations, its actuality are determined, scientific innovation, the theoretical and practical value of the work are substantiated.

In the introduction the critical review of the literature on the subject, the information about the studied literary monuments, the results of comparison of manuscripts

## SUMMARY

The comparative analysis of the Uzbek names  
vocabulary of the XV century

AKRAM JUMAEV

The thesis is devoted to the investigation of the vocabulary of the old Uzbek literary monuments Deh Nameh, Latafat Nameh and Taashshuk Nameh written in the 1st half of the XV century. In the research work as a source for Deh Nameh and Taashshuk Nameh the British Museum manuscripts have been used which are included into the collection Add 7914 and the transcriptional text edited by E. I. Fazilov in the book "Latafat-nameh" of "Khujandi" (Tashkent, 1976) has been taken for Latafat Nameh.

The Analysis of the lexical features of the studied literary monuments have been done in comparison aspect with the other monuments of the old Uzbek writing, the modern Uzbek language and its dialects, the materials of the other modern turkic languages and old turkic writing sources. This way of analysis has given the opportunity to reveal the specific lexical features of the studied literary monuments and define their place and role in the development of the old Uzbek literary language.

The thesis consists of introduction, two chapters, conclusion, the conventional abbreviations list and bibliography. The total volume includes 132 typing pages.

In the introduction of the thesis the purpose and problems of the investigations, its actuality are determined, scientific innovation, the theoretical and practical value of the work are substantiated.

In the introduction the critical review of the literature on the subject, the information about the studied literary monuments, the results of comparison of manuscripis